

УДК: 577.4.388.59.

СИНБОВИЛ ЧИВИНЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

Исмоилов А.Ш., - кичик илмий ходим,

Мавланов С.И., - в.ф.д., профессор

Ветеринария илмий - тадқиқот институти E-mail: nivi@vetgov.uz

Аннотация: Мақолада синбовил чивинлар экологияси ва уларнинг чорвачиликка етказадиган зарари ҳақида маълумотлар келтирилган. Чорвачилик хўжаликларида ва яйловларда учрайдиган синбовил чивинларнинг систематикаси ва мавсумий динамикаси ўрганилган. Бу зарарли чивинларга қарши “Альфа шакти” пиретроид препаратини чорвачилик хўжаликлари шароитида синаб кўрилган ва юқори инсектицид самара олинган.

Аннотация: В статье приведены сведения об экологии синбовильных мухи и их причиняемый вред для скота. Изучена систематика и сезонная динамика синбовильных мух, встречающихся на животноводческих фермах и пастбищах. Препарат против этих мух – “Альфа-шакти” был протестирован в сельскохозяйственных условиях и показал высокую инсектицидную активность.

Summary: The article provides information about the ecology of sinbovil flies and their harm to livestock. The systematics and seasonal dynamics of sinbovil flies found on livestock farms and pastures have been studied. The drug against these flies – “Alpha-shakti” was tested in agricultural conditions and showed high insecticidal activity.

Калит сўзлар: Синбовил, зоофил, дезинсекция, фауна, экология, мавсумий динамика, систематика, пиретроид, чивин, ҳашарот, паразит.

Мавзунинг долзарблиги. Чорвачилик фермалари ва яйловларда зарарли ҳашаротлар, хусусан, синбовил чивинлар паразитлик қилиши оқибатида чорвачилик маҳсулотларининг салмоқли қисмига зарар етказмоқда. Жумладан, соғин сигирларнинг сут маҳсулдорлигининг камайиши, ёш ҳайвонларнинг вазнини пасайиши, шунингдек, касалликнинг манбалари юқумли ва паразитар касалликларининг патогенларини ташувчиси бўлиб кўплаб юқумли ва инвазион касалликларни таркатади. Шу сабабли қорамолларни паразит ҳашаротлар таъсиридан, хусусан, синбовил чивинлардан ҳимоя қилиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Синбовил ва зоофил чивинларнинг суткалик ва мавсумий фаолияти,

кўпайиш жойлари, турларнинг сони, уларнинг биологияси ва экологиясининг асосий омилларидан бўлиб, уларнинг эпизоотологик аҳамиятини белгилайди, бу омиллар уларга қарши комплекс курашни ташкил этишда эътиборга олиниши керак.

Дунё миқёсида ҳозирги вақтда синбовил чивинларнинг инфекция ўчоқлари билан яқин алоқаси, яшаш жойларини тез-тез алмаштириш, узок масофаларга парвоз қилиш, юкумли касалликларни осон юктириши, инфекция ва инвазияларнинг патогенларини узок вақт ушлаб туриш қобилияти – буларнинг барчаси кўплаб кўзғатувчиларнинг механик ўтказилишига ҳисса қўшиши жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Шу нуқтаи назардан, қон сўрувчи синбовил чивинларга қарши кураш чора-тадбирлари ва олдини олиш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсади. Чорвачилик фермер хўжаликаларида ва яйловларда синбовил ҳашаротлар фаунасини, экологиясини ва унинг мавсумий динамикасини ўрганиш, уларга қарши Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган “Алфа шакти” препаратининг паразитоцид фаоллигини аниқлаш мақсад қилиб олинди.

Тадқиқот услуби. Хўжалиқдан териб келинган синбовил ва зоофил ҳашаротлар турлари (систематикаси) арахноэнтомология ва акарология лабораториясида “Синантропные двукрылые фауны СССР”. Изд АН СССР. М. 1956, (А.А. Штакельберг), “Определитель членистоногих вредящих здоровью человека” Медгиз Москва, 1958 (В.Н. Беклемишева), “Определитель насекомых европейской части СССР”, “Наука” первая часть, V том, Ленинград, 1969 (Г.Я. Бей-Биенко), “Определитель насекомых европейской части СССР”, “Наука” вторая часть, V том, Ленинград, 1970 (Г.Я. Бей-Биенко), “Flies and Disease”, Volume I., Princeton University Press, Princeton, New Jersey, 1971 (By Bernard Greenberg) китоб ва қўлланмаларида келтирилган аниқлагичлардан фойдаланган ҳолда ҳамда микроскоп (МБС) ёрдамида (тип, синф, туркум, оила, авлод, тур) аниқланиб борилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотларимиз Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги “Навбахор Чарос боғи” чорвачилик фермер хўжалиқларида ҳамда мазкур тумандаги яйлов худудларида ўтказилди. Ушбу чорвачилик хўжалигида 45 бош қорамол бўлиб, асосан сутчиликка ихтисослаштирилган. Қорамолларни безовта қилиб, маҳсулдорлигини пасайтираётган синбовил ва зоофил ҳашаротларнинг экологияси, фенологияси ҳамда мавсумий динамикасини ўрганиш ишлари олиб борилди.

Тадқиқотларимизда зообиоценозларда кўп учрайдиган ветеринария ва

медицина аҳамиятига эга бўлган синбовил ва зоофил чивинлар вакиллари энтомологик тутқич (дока тутқич) ёрдамида кўплаб нусхаларда тутилиб, систематикаси лаборатория шароитида ўрганилди.

Чорвачилик хўжаликларида ва яйловлар шароитида олиб борилган энтомологик текширувлар натижасига кўра синбовил ҳашаротлар март ойида ҳавонинг салқинлиги боис фаоллиги кам бўлди. Апрель ойидан бошлаб фаол уча бошлади. Май, июнь, июль, август, сентябрь ойларида қорамоллар танасида максимал даражада учраши аниқланди.

1-жадвал

**Қашқадарё вилояти Китоб тумани чорвачилик фермер
хўжаликларида синбовил ҳашаротларнинг мавсумий динамикаси**

№	Ҳашаротлар турлари	I-III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Жами	%
		сони	сони	сони	сони	сони	сони	сони	сони	сони	сони		
1	<i>L. titillans</i>	-	15	41	72	77	74	56	32	16	-	383	8,79
2	<i>L. irritans</i>	-	13	35	80	83	74	53	34	14	-	386	8,86
3	<i>S. calcitrans</i>	-	21	31	77	81	72	58	41	12	-	393	9,02
4	<i>M. domestica</i>	-	37	58	111	119	106	72	42	18	-	563	12,92
5	<i>M. autumnalis</i>	-	42	55	106	113	102	69	43	16	-	546	12,53
6	<i>M. tempestiva</i>	-	-	34	60	72	63	42	28	12	-	311	7,13
7	<i>M. vitripennis</i>	-	-	25	58	64	54	36	19	8	-	264	6,06
8	<i>M. simplex</i>	-	-	31	63	74	58	34	16	4	-	280	6,43
9	<i>H. dentipes</i>	-	-	31	53	61	48	29	17	-	-	239	5,48
10	<i>M. osiris</i>	-	-	29	44	56	41	26	14	4	-	214	4,91
11	<i>L. sericata</i>	-	-	15	49	54	43	28	14	6	-	209	4,79
12	<i>M. larvipara</i>	-	-	-	60	66	54	32	12	-	-	224	5,14
13	<i>M. lucidula</i>	-	-	-	46	53	38	19	13	-	-	169	3,87
14	<i>Muscidaesp.n.</i>	-	13	20	36	42	39	16	9	-	-	175	4,02
	Жами:											4356	

Ушбу аниқланган турлар орасида *Musca domestica*, *Musca autumnalis*, *Lyperosia titillans*, *Lyperosia irritans*, *Stomoxys calcitrans*, - доминант, *M. tempestiva*, *M. vitripennis*, *M. simplex*, *H. dentipes*, *M. osiris* – субдоминант, *L. sericata*, *M. larvipara*, *M. lucidula*, *Muscidae sp.n.* – кам сонли турлар сифатида қайд этилди.

1-жадвалдан кўришиб турибдики, тадқиқотлар давомида жами 4356 нусха чивин тутилиб, уларнинг морфологияси ва систематикаси аниқланди. Қиш фаслида синбовил ва зоофил ҳашаротлар учрамаган бўлса, баҳор фаслида 546 нусха (12,53 %), ёз фаслида 2796 нусха (64,18%), куз фаслида 1014 нусха (23,27%) синбовил ва зоофил ҳашаротлар учраши кузатилди.

Қорамолларнинг синбовил ва зоофил чивинларига қарши “Alpha Shakti” препаратининг лаборатория тажрибаларида яхши самара берган 0,03 фоизли сувли эмульсияси ишлаб чиқариш шароитида синаб кўрилди. Бунинг учун “Навбахор Чарос боғи” чорвачилик фермер хўжалигидаги 45 бош қорамол текширилганида уларда *L. titillans*, *L. irritans*, *S. calcitrans*, *F. canicularis*,

M.domestica, M.d.vicina, M.autumnalis va бошқа эктопаразитлар паразитлик қилиши кузатилди ва уларга қарши “Alpha Shakti” препаратининг (10 % ЕС Mumbai Hindiston HE 19077, May 2019) 0,03 фоизли сувли эмульсияси тайёрланиб махсус автомакс ускунаси ёрдамида пуркаш усулида катта ёшдаги қорамоллар учун 3-4 литр/бошдан, 1-2 ёшли қорамоллар - 1,5-2 литр/бошдан, 1 ёшгача бўлган бузоқларга 0,5-1,0 литр/бош ҳисобида сепилди.

Ушбу қорамоллар 2-4 литр бош ҳисобида 2 марта 10–12 кун оралиғи билан қайтадан дезинсекция қилинди. Натижада зарарланган қорамоллар 2-март дорилашдан сўнг эктопаразитлардан 100 фоиз озод бўлди.

Чорвачилик хўжалигидаги қорамоллар сақланадиган молхона ичи, гўнг уюмлари, гўнгхона, молхона ва гўнгхона оралиғидаги арикчалар пуркагич аппарат ёрдамида дезинсекция қилинди. Сувли эмульсия нам шимилмайдиган юзаларга 50-100 мл/м² ҳисобида, нам шимиладиган юзаларга 150-200 мл/м² ҳисобида сепилди.

Тажрибалар давомида “Алфа шакти” препаратининг дориланган ҳайвонлар соғлиги ва маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги, синбовил ва зоофил чивинларга нисбатан эса 100 фоиз инсектицид самара кўрсатиши аниқланди.

Хулосалар: 1. Олиб борилган тадқиқотлар давомида ўрганилган синбовил ва зоофил ҳашаротлар Arthropoda типи, Insecta синфи, Diptera туркумига оид 2 оилага мансуб, 6 авлодга тегишли 15 тур эканлиги аниқланди.

2. Тажрибалар давомида “Алфа шакти” препаратининг 0,03 % сувли эмульсияси дориланган ҳайвонлар соғлиги ва маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги, синбовил ва зоофил чивинларга нисбатан эса 100 фоиз инсектицид самара кўрсатиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Штакельберг А.А. Синантропные двукрылые фауны СССР. Изд АН СССР. М. 1956, 162 с.
2. Рўзимуродов А. Эволюция қонуниятлари ва зообиохилмахиллик. “Zarafshon” нашриёти ДК, Самарқанд, 2008, 88 б.
3. Рузимуродов А. Мухи, паразитирующие на кожных покровах домашних животных. “Паразитология”, Т. 8, в.5, 1974, с. - 447- 448.
4. Интернет маълумотлари: www.dissercat.com